

Кирмон, Сижистон ва Мукрон фатҳлари



13:50 / 29.04.2025 1116

Саҳл ибн Адий Кирмон томон юрди. Умар розияллоҳу анҳу Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Атабонни унга мададга юборди. Улар бориб, Кирмонда форсларнинг катта кучлари жамланиб турганини кўрдилар. Қаттиқ жангдан сўнг Аллоҳ форсларнинг барчасини тирқиратди. Кирмоннинг бошлиғи ҳам ҳалок бўлди. Мусулмонларнинг музаффар фотиҳлари шаҳарга кирганларида жуда ҳам кўп туя ва қўйларни кўрдилар.

Сижистон фатҳи

Осим ибн Амр Сижистон томон юрди. У ернинг аҳолиси урушни ирода қилди. Жангда Аллоҳ таоло мусулмонларга фатҳу нусрат берди. Душман қочиб кетди. Мусулмонлар уларни қувиб бориб, Зарзанжда қамал қилдилар. Ерлик аҳоли сулҳ талаб қилдилар. Улар сулҳда Фадфад номли жойнинг қўриқхона бўлишини ҳам шарт қилдилар. Сулҳ тузилди. Мусулмонлар аҳдга хилоф бўлмасин, деб Фадфадга умуман кирмас эдилар.

Мукрон фатҳи

Ҳакам ибн Амр ас-Саълабий Мукрон томон юрди. Унга Кирмоннинг фотиҳи Саҳл ибн Адий ва унга мададга келган Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Атабонлар ҳам қўшилдилар. Улар Дувайн дарёсига етиб бордилар. Мукронлик мушриклар унинг қирғоғига жойлашиб олган эдилар. Уларга Синд подшоҳи катта аскар ила мадад берган эди. Мусулмонлар уларни жангда енгдилар ва қувиб, дарёнинг нариги тарафига ўтказиб юбордилар.

Сўнгра ўзлари Мукронга қайтдилар.

Ҳакам фатҳ ҳақидаги хушхабарни ва ўлжанинг бешдан бирини Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳуга Сухор ал-Абдий орқали юборди. Умар розияллоҳу анҳу ундан Мукрон ҳақида сўрадилар. У:

«Эй мўминларнинг амири, у бир ерки, текислиги тоғдир, суви томчидир, меваси камдир, одамлари баттолдир, хайри оздир, шарри кўпдир, кўп унда оздир, оз унда зоедир ва ундан кейингиси ундан ёмондир», деди.

«Сен шоирмисан ёки хабарчимисан?!» деди Умар ва Ҳакамга фатҳ қилган жойида тўхташ, Мукрондан нарига ўтмаслик ҳақида мактуб ёзди.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 21-жузидан олинди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 14 сентябрдаги 0307/7030-сонли тавсияси билан чоп этилган.